

2022 й. " 24 " август «NEW STAR BUKHARA» МСҲJ ва Ромитан 2-сон касб хунар мактаби билан 44 250 000 умумий
суммасидаги 39917-сон шартномага
ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

Боб 079

Шахсий ғазна ҳисобварак 100010860062427092901079002

(сўмда)


2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури			Жами
	7092 901 079 (42 99 990)	...(*)	...(*)	
Январ				
Феврал				
Март				
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август	44 250 000			44 250 000
Сентябр				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
Жами йил бўйича	44 250 000			44 250 000


Жами 44 250 000 (Қирқ тўрт миллион икки юз эллик минг сўм) сум

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 13 275 000 сум ёки шартнома умумий сумасининг 30 % 2022 йил август ойнинг 31-санасигача олдиндан тўланиши лозим.

Раҳбар
М.У. Бош ҳисобчи

Ғазначилик бўлинмаси
ходими қабул қилди
2022 й. « » (имзо)


(имзо) А.Мухамадов


(имзо) А.Хужаев

Бюджетдан маблағ олувчи
ходими қабул қилди
2022 й. « » (имзо)

ХИЗМАТЛАР КУРСАТИШГА ДОИР ШАРТНОМА СИ № 39917
(лот № 22110012135777)

« 24 » 08. 2022 й.

Ромитан шаҳри.

«NEW STAR BUKHARA» MChJ кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилувчи ўзининг низоми устави, асосида иш юритувчи раҳбари **Ж.Х.Сохибов** тимсолида бир томондан ва Ромитан 2-сон касб хунар мактаби кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритувчи, ўзининг низоми устави асосида иш юритувчи раҳбари **А.Муҳаммадов** тимсолида иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига ва тузилган лойиҳа смета ҳужжатларига асосан Ромитан 2-сон касб хунар мактаби Фаоллар залини мусика жихозлари линияларини тамирлаб, яроксиз ҳолатига келган жихозларни алмаштириш хизмати ишларини бажаришни, «Буюртмачи» "Пудратчи" томонидан лойиҳа смета буйича бажарган ишларни далолатнома асосида қабул қилиб олишни ҳамда тўловни ўз вақтида амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **44 250 000 (Қирқ тўрт миллион икки юз эллик минг сўм)** сўмни ташкил этади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР.

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим» қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати **44 250 000 (Қирқ тўрт миллион икки юз эллик минг сўм)** сўмни ташкил қилади.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши « 24 » август 2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти « 31 » август 2022 йил.

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги 4.1 бандида курсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сўнг таъмирлаш ишларини бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ (аванс) тўлаш назарда тутилган

3.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган қурилиш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи **44 250 000 (Қирқ тўрт миллион икки юз эллик минг сўм)** сумни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки **13 275 000** сўм миқдорда олдиндан тўлов (аванс)ни тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг август ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний 70 % ёки **30 975 000** сўм тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг 60 кун ичида амалга оширилади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Шартнома баҳоси **44 250 000** сўм бўлган таъмирлаш ишларини шартноманинг 2.3 бандида кўрсатилган муддатда бажариш ва ўз вақтида сифатли қилиб топшириш.

5.2. Пудратчи махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

5.3. Ҳар ойнинг 25 санасида ўтган ойда бажарилган қурилиш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисида далолатномани тузади.

5.5. Ойида бир марта ҳар ойнинг 5-кунидан кечиктирмай «Буюртмачи»га ўтган ойда қилинган ишлар учун тўлов счёти (ҳисоб фактура)ни тақдим қилади шунингдек ҳисоб фактура "Буюртмачи" томонидан тасдиқлаб берилгандан сўнг 5 (беш) иш куни муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сонли қарорига мувофиқ электрон кўринишда ЭХФ операторлари орқали жўнатади;

5.6. Пудратчи Буюртмачидан бажарилган хизмат учун ҳақни шартноманинг 4.1 бандига асосан келишилган вақтда ва миқдорда тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. БУЮРТМАЧИНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1 “Буюртмачи” “Пудратчи”дан таъмирлаш ишларини ўз вақтида ҳамда белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан топширишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6.2 “Буюртмачи” тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади.

6.3 «Пудратчи» томонидан шартноманинг 5.5-бандида назарда тутилган муддатларда тақдим қилинган тўлов счёти (хисоб-фактура)ни қабул қилиб олади ва 60 кун ичида қилинган ишлар учун тўловни амалга оширади.

6.4. Сифатсиз хизмат курсатилганда “Буюртмачи” хизматни қабул қилиб олишдан воз кечиши ва камчиликларни бартараф қилиш тўғрисида 3 кун ичида пудратчини ёзма равишта хабардор қилади.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. «Пудратчи» «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган лойиха смета ҳужжатларига асосан қурилишни ўз вақтида лозим даражада бажармаганда ёки сифатсиз қилинганлиги учун ҳар бир кечиктирилган кун учун ушбу ишлар бажарилмаган қисмининг суммасидан 0,4% миқдорида, бироқ бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % идан ортик булмаган миқдорда пеня тулайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

7.2. Агар бажарилган ишлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар учун жарима пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

7.3. «Буюртмачи» «пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун тўлов счёти (хисоб фактура) тақдим қилингандан сўнг молиялаштириш шартномада белгиланган вақтда амалга оширилмаса кечиктирилган кун учун тўлов счёти (хисоб фактура) суммасининг 0,4 % миқдорида, бироқ тўлов счёти (хисоб фактура) суммасининг 50% идан ортик бўлмаган миқдорда пеня тўлайди, бунда Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ШАРТЛАРИ.

8.1 Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қурашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни тарафлардан бири ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

8.2 Агар шартнома бўйича бир тараф бошқа тарафнинг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келадиган ҳатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиш керак: “1008” ишонч телефони, телеграм-канал “@anticorbot” орқали, ёки ҳудудий прокуратура органларига билдириш лозим.

9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.

9.1 Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

9.2 Ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

9.3 Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришига таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 15 кун давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

10. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

10.1 Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ, томонлар ўртасида келиб чиқадиган, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг ўзаро келишуви ёхуд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ.

11.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда ЎзР Молия Вазирлигининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган “Бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоидалари” (Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилди)га асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга кириши ҳамда 31.12.2022 йилгача амалда бўлади.

11.2. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб ҳар бири бир хил кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан сакланади.

12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Пудратчи»

«NEW STAR BUKHARA» MChJ

(ижрочининг номи)

Манзили Жондор тумани Варахшо кучаси 53-уй

Тел. 907323544

х/р. 20 20 8000 104 923 740 001

Банк номи: ДАТ "Асака" банк Бухоро ш.

МФО 00 120 ИНН 302 037 932

Раҳбар: Ж.Х.Соҳибов

(Ф.И.Ш.)

имзо



“Бюджетчи”

Ромитан 2-сон касб хунара мактаби

(бюджет маблағларини олувчи номи)

Манзили: Ромитан тумани Чилонгу МФЙ

Тел./факс: 55-47-5-50

ш/хв: 100010860062427092901079002

ОКОНХ: 92120 ИНН: 206 972 783

Ғазначилик бўлими номи: Молия Вазирлиги
Ғазначилиги

ЯГХ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош
бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО 00014

Ғазначилик бўлими СТИРи 201122919

Раҳбар: А. Мухаммадов

(Ф.И.Ш.)

имзо

М.у

Шартнома амалдаги қонунийлик асосида тугри тузилган

ҲУҚУҚШУНОС:

А. Эраҳмонов

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг
ҳуқуқшуноси)

Настоящее приложение является неотъемлемой частью
к договору № 39917 от «24» 08 2022 года
заключенным между Ромитан 2-сон касб хунар мактаби
(наименование организации)
и «NEW STAR BUKHARA» МЧЖ
(наименование организации)

СПЕЦИФИКАЦИЯ

Поставщик: «NEW STAR BUKHARA» МЧЖ Банк: ДАТ "Асака" банк Бухоро ш. ИНН: 302 037 932		расч.счёт 20 20 8000 104 923 740 001 МФО 00120 ОКНХ				
Покупатель: Ромитан 2-сон касб хунар мактаби Банк Марказий банк Тошкент шаҳар ИНН 206 972 783		ш/р 100010860062427092901079002 МФО 00014 ОКОНХ 92120				
№	Наименование товара (продукции)	Ед. Измер	Колво	Цена	Сумма	
1	Пульт Dinacord 800	шт	1	9900000	9900000	
2	Замена и установка Усилитель звука	Микрофон Shure дистанцион	шт	2	950000	1900000
3		Стольный микрофон 2 дона	шт	2	1005000	2010000
4		Колонка пассивный Electrovoice zx-5	шт	2	8790000	17580000
5		Стойка колонка учун	шт	2	910000	1820000
6		Кабель микрофон учун	м	10	64000	640000
7	Кабель колонка учун	м	200	52000	10400000	
ЖАМИ		х	х	х	44250000	

Сумма 44 250 000 сум (Қирқ тўрт миллион икки юз эллик минг сўм)

(Суз билан ёзилади)

Поставщик

«NEW STAR BUKHARA» МЧЖ

(наименование организации)

Ж.Х.Сохибов

(подпись и Ф.И.О. руководителя)

М.п



Покупатель

Ромитан 2-сон касб хунар мактаби

(наименование организации)

А. Мухамадов

(подпись и Ф.И.О. руководителя)

М.п



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 135777 на приобретение Ромитан 2-сон касб хунар мактаби Фаоллар залига Усилитель сотиб олиб урнатиш хизмати (Усилитель комп: Пульт 1 шт, Микрофон 1 шт, Стольный микрофон 2 шт, Колонка пассивный 2 шт, Стойка колонка 2 шт, Ка

Способ проведения электронный

Дата 20.08.2022

Время рассмотрения 20.08.2022 17:38

Конкурсная комиссия Ромитан педагогика ва энгил саноат касб-хунар коллежи, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ERGASHEV ABROR JAMOLOVICH	Кадрлар бўйича инспектор	ROMITAN TUMAN 2-SON KASB-HUNAR MAKTABI
Секретарь комиссии	KAROMATOVA MUSALLAM BAXSHILLOYEVNA	Лаборант	ROMITAN TUMAN 2-SON KASB-HUNAR MAKTABI
Член комиссии	AXMEDOV O‘TKIR IBRAGIMOVICH	Жисмоний тарбия ўқитувчиси	ROMITAN TUMAN 2-SON KASB-HUNAR MAKTABI
Член комиссии	XO‘JAYEV ASLON ABDULLAYEVICH	Бош бухгалтер	ROMITAN TUMAN 2-SON KASB-HUNAR MAKTABI
Член комиссии	NAIMOVA SABOXAT TEMIROVNA	Омбор мудир (ломбард, моддий бойликлар)	ROMITAN TUMAN 2-SON KASB-HUNAR MAKTABI
Член комиссии	UMEDOV AZIZBEK UMAROVICH	Ўқув ишлаб чиқариш устахонаси мудир	ROMITAN TUMAN 2-SON KASB-HUNAR MAKTABI

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.08.2022 года № лота 135777.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 100

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Усилитель звука
Подробное описание	Ромитан 2-сон касб хунар мактаби Фаоллар залига Усилитель сотиб олиб урнатиш хизмати (Усилитель комп: Пульт 1 шт, Микрофон 1 шт, Стольный микрофон 2 шт, Колонка пассивный 2 шт, Стойка колонка 2 шт, Кабель микрофон учун 10 м, Кабель колонка учун 10 м.)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	45 000 000.00
Стартовая сумма	45 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчи корхонанинг молиявий холати тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: банкдаги хиссобракамида шартномани умумий суммасини 30% маблаг мавжудлиги тугрисида маълумот солиқда қарзи йуқлиги тугрисида маълумот нахолол етказиб бберувчилар рестирига киритилмаганлиги тугрисида малумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ	20	Корхонамиз 2011 йил ташкил топганини билдирган холда йиллар давомида Вилюятимиз буйича турли ташкилотлар билан ишлаб келмоқда. ДСИ сидан қарзи йуқлигани билдирамыз. Корхонамиз нохолол етказиб берувчилар руйхатида йуқлигини билдирамыз. 2021-2022 йиллар банк айланма маблаглари тугрисидаги банк маълумотномаси илова қилинади.	15	Экспертная		
IXTIYOR MEGA SERVIS MCHJ	20	Жамиятимиз 2014 йилдан бошлаб узфаолиятини юритиб келмоқда. Фаолият давримизда корхонамиз солиқда қарздорлиги вужудга келмаган ва Инсофсиз ижрочилар руйхатида кирмаганлигини билдирамыз Талаб этилган маълумотлар юкланди	15	Экспертная		

Критерий №2 Иштирокчи корхонанинг тасис хужжалари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг тасис хужжалари тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ	20	Корхонамиз 2011 йил ташкил топганини билдирган холда йиллар давомида Вилюятимиз буйича турли ташкилотлар билан ишлаб келмоқда. Корхонамиз инсофсиз ижрочилар руйхатида эмаслигини ва ДСИ сидан қарзи йуқлигани	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		билдирамиз. Корокамиз 2021 йилдан хозирги кунгача 10 млрд сумлик товар иш ва хизматлар курсатганлигини маълум киламиз.Маълумотлар илова килинди.				
IXTIYOR MEGA SERVIS MCHJ	20	Устаф. Гувохнома юкланди	20	Экспертная		

Критерий №3 Солик кардорлиги тугрисидаги маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Солик кардорлиги тугрисидаги маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ	20	1	20	Экспертная		
IXTIYOR MEGA SERVIS MCHJ	20	1	15	Экспертная		

Критерий №4 Иштирокчи корхонанинг инсофсиз етказибберувчилар руйхатидаги йуклиги хакидаги маълумот.

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг инсофсиз етказибберувчилар руйхатидаги йуклиги хакидаги маълумот.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ	20	1	20	Экспертная		
IXTIYOR MEGA SERVIS MCHJ	20	1	20	Экспертная		

Критерий №5 кафолат хати

Тип: Бинарное значение

Описание: Етказиб берилётган махсулот сифати ва яроклилиқ муддатига 12 ойга кафолат бериш керак

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ	20	1	17	Экспертная		
IXTIYOR MEGA SERVIS MCHJ	20	1	17	Экспертная		

Критерий №6 Махсулот етказиб бериш мухлати

Тип: Текстовое значение

Описание: Махсулот етказиб бериш мухлати

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ	20	Корхонамиз томонидан бажарилган хизматга 3 (уч йил) муддатга кафолат берамиз. Иш ва хизматлари корхонамиз томонидан 10 (ун) иш кунда бажариб беришимизни маълум киламиз. Фаоллар залига урнатилган мусика жихозларига Ножуя камчиликлар аникланган тақдирда Корхонамиз томонидан берилган кафолат хатига асосан корхонамиз маблаглари хисобидан аникланган камчиликлар бартараф этилишини кафолатлаймиз. Ишлатиладиган махсулотлар Пульт Dinacord 800-1шт, Микрофон Shure дистанцион 2шт, Стольный микрофон - 2шт, Колонка пассивный Electrovoice zx-5-2шт, Стойка колонка учун-2шт, Кабель микрофон учун-10м, Кабель колонка учун-200мм	18	Экспертная		
IXTIYOR MEGA SERVIS MCHJ	20	Сизга шуни ёзиб малум киламизки, Ромитан 2-сон касб хунар мактаби Фаоллар залига мусикий асбоблар 15(Ун беш) кун муддатда етказиб бериб урнатишимизни билдирамиз.	15	Экспертная		

Критерий №7 Коррупцияга карши талаблар

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупцияга карши корхона бошлигининг тилхати

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ	20	Мен Ж.Сохибов NEW STAR BUKHARA МЧЖ рахбари лавозимида ишлайман. Харид комиссияси томонидан № 22110012135777 лот билан утказилиши режалаштирилаётган харидларда ўз таклифимиз билан иштирок этиш истагини билдириб, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни (№684 22.04.2021 йил) қуйидаги моддалари билан танишиб чиқиб: 13-модда. Коррупцияга йўл қўймаслик принципи ; 14-модда. Манфаатлар тўқнашуви. Харидлар жараёнида коррупцияга йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги, иштирокимиз давомида очиклик, шаффофлик ва инсофли рақобат принципларига таянишни кафолатлаймиз.	18	Экспертная		
IXTIYOR MEGA SERVIS MCHJ	20	Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни (№684 22.04.2021 йил) қуйидаги моддалари билан танишиб чиқдик	17	Экспертная		

Критерий №8 Корхонанинг инсофсиз руйхатида йуклиги

Тип: Бинарное значение

Описание: Корхонанинг инсофсиз руйхатида йуклиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ	20	1	18	Экспертная		
IXTIYOR MEGA SERVIS MCHJ	20	1	18	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ	45 000 000.00	44 250 000.00 UZS	44 250 000.00	00.00	44 250 000.00	19.08.2022 15:09:12	05.00
IXTIYOR MEGA SERVIS MCHJ	45 000 000.00	44 900 000.00 UZS	44 900 000.00	00.00	44 900 000.00	19.08.2022 15:33:03	04.93

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ	86.6875	5	91.6875
IXTIYOR MEGA SERVIS MCHJ	81.34375	4.93	86.27375

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 135777 от 20.08.2022 года на приобретение Ромитан 2-сон касб хунар мактаби Фаоллар залига Усилитель сотиб олиб урнатиш хизмати (Усилитель комп: Пульт 1 шт, Микрофон 1 шт, Стольный микрофон 2 шт, Колонка пассивный 2 шт, Стойка колонка 2 шт, Ка определила победителем:

"NEW STAR BUKHARA" МЧЖ
302037932

и резервный исполнитель: IXTIYOR MEGA SERVIS MCHJ (303103027)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ERGASHEV ABROR JAMOLOVICH	Согласен	
Член комиссии	AXMEDOV O'TKIR IBRAGIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	XO'JAYEV ASLON ABDULLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	NAIMOVA SABOXAT TEMIROVNA	Согласен	
Член комиссии	UMEDOV AZIZBEK UMAROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП